



**Ўзбекистон Республикаси
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш
академияси**



**Ўзбекистон Республикаси
Ҳисоб палатаси**

**Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни
муҳофаза қилиш академияси ва
Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси
ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик**

М Е М О Р А Н Д У М И

**Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш
академияси ва Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси
ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик
МЕМОРАНДУМИ**

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси (кейинги ўринларда – Академия) бир томондан ва Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси (кейинги ўринларда – Ҳисоб палатаси) иккинчи томондан, биргаликда Тарафлар деб аталувчилар:

“Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси тўғрисида”ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 ноябрдаги “Жиноятларни тергов қилиш соҳасида малакали кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ–257-сон Фармони ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган муштарак мақсад ва вазифаларга асосланиб,

БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясида ташкилотлар бир-бири билан ҳамкорлик қилиб, коррупцияни рад этадиган маданиятни шакллантиришга кўмаклашиш тамойили эътироф этилганлигини инобатга олиб,

Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунда ҳамкорликда доимий асосда коррупция соҳасида тадқиқотлар ўтказиши белгиланганлигини назарда тутиб,

давлат идораларида коррупцияга қарши ички назорат тизимини самарали жорий этишда илмий ва амалий саъй-ҳаракатларни бирлаштириш эҳтиёжи зарурлигини эътироф этиб,

коррупциянинг “жамият танасидаги саратон” эканлигини таъкидлаб, ўзаро ҳурмат ва ишонч, умумий манфаат ва мақсадларга таянган ҳолда, қуйидагилар ҳақида келишиб олдилар:

1-боб. Меморандумнинг мақсади

1. Мазкур Меморандумнинг асосий мақсади коррупцияга қарши ички назорат тизимини самарали жорий этиш, давлат харидлари соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя этилиши ҳамда бошқа соҳаларда коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олишга қаратилган илмий ва амалий тадқиқотлар, тизимли таҳлилларни амалга ошириш, ўқув ва бошқа тадбирларни ташкил этишда ҳамкорлик қилишдан иборат.

2-боб. Ҳамкорлик соҳалари

2. Мазкур Меморандум доирасида Тарафлар қуйидаги соҳаларда ҳамкорликни амалга оширади:

коррупцияга қарши курашиш, шу жумладан коррупцияга қарши ички назорат тизими, давлат харидлари соҳасида қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари, давлат ва бошқа дастурларда Тарафларга қўйилган вазифаларнинг ижроси самарадорлигини оширишда ҳамкорлик қилиш;

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан илмий асосланган таклифлар тайёрлаш;

қонунчилик ҳужжатларида коррупцияга олиб келувчи нормаларнинг мавжудлигини аниқлаш, давлат органларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқни қўллаш фаолияти юзасидан тизимли таҳлиллар ўтказиш;

давлат органларида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда уларнинг олдини олиш мақсадида таҳлилий фаолиятни амалга ошириш;

коррупцияга қарши ички назорат тизимини самарали жорий этиш, давлат харидлари соҳасида коррупция ва манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, бюджет соҳасидаги талон-торожликлар ва бошқа мавзуларда социологик, махсус, илмий-амалий тадқиқотлар ҳамда бошқа турдаги тадқиқотларни ҳамкорликда ташкил этиш ва ўтказиш;

жойларда ўтказилган назорат тадбирлари якунлари бўйича аниқланган коррупциявий омиллар ва “оқ доғлар”ни бартараф этиш юзасидан ишлаб чиқилган амалий тадқиқотлар натижаларини қонунчиликда акс эттириш масаласида ҳамкорлик қилиш;

давлат хизматчиларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш мақсадида ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни такомиллаштириш, ҳамкорликда ўқув тадбирларини ташкил этиш;

ўзаро манфаатли мавзуларда қўшма тренинг, семинар, давра суҳбати ва конференциялар ўтказиш;

Ҳисоб палатаси ходимлари учун коррупцияга қарши курашиш билан боғлиқ мавзуларда ўқув тадбирларини ташкил этиш, Академиядаги ўқув машғулотларига Ҳисоб палатасининг малакали ходимларини жалб қилиб бориш.

3. Тарафлар келишувига кўра, ушбу Меморандум мақсадига зид бўлмаган бошқа тадбирлар ҳам ўтказилиши мумкин.

3-боб. Ҳамкорликнинг амалга оширилиши

4. Тарафлар мазкур Меморандумнинг 2-бобида назарда тутилган ҳамкорликдаги тадбирларни тизимли равишда амалга ошириш мақсадида манзилли ва даврий чора-тадбирлар дастурларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди.

Бунда, Тарафлар мазкур Меморандум доирасида тасдиқланган чора-тадбирлар дастурларини самарали амалга ошириш учун масъул вакилларни ажратади, ҳар бир тадбир бўйича аниқ ижрочиларни, даврий муддатларни белгилайди, зарурат бўлганда ишчи гуруҳлари тузади, уларнинг таркибига ҳамкорларни киритиш чораларини кўради.

4-боб. Ўзаро ахборот алмашиш

5. Тарафлар мазкур Меморандумда назарда тутилган ҳамкорлик доирасида ўзаро ахборот алмашади.

6. Тарафлар ушбу Меморандумни амалга оширишда, шунингдек унинг амал қилиш муддати тугагандан сўнг, қабул қилинган ёки бошқа Томонга тақдим этилган маълумотлар ва бошқа ахборотларнинг ошкор этилмаслигига оид талабларга риоя қилади.

7. Хужжатлар, маълумотлар ёки бошқа ахборотлар бошқа Тарафларнинг олдиндан ёзма розилигисиз ошкор қилиниши ёки учинчи томонга тақдим этилишига йўл қўйилмайди.

5-боб. Молиявий масалалар

8. Мазкур Меморандумнинг шартлари жамоатчилик асосида ташкил этилади ва моддий харажатларни талаб этмайди.

9. Мазкур Меморандум доирасидаги чора-тадбирларни амалга оширишда юзага келиши мумкин бўлган харажатлар ҳар бир Тарафнинг ўзига тегишли қисми бўйича ёхуд ўзаро келишувга мувофиқ қопланади.

6-боб. Меморандум ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш

10. Ҳар бир Тараф мазкур Меморандумга ёхуд унинг бир қисмига ўзгартириш ёки қўшимча киритишни ёзма равишда таклиф этиши мумкин.

11. Тарафлар ўзаро келишган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда ушбу Меморандумнинг ажралмас қисми ҳисобланадиган ва Тарафлар белгилаган кундан бошлаб кучга кирадиган қўшимча меморандум шаклида расмийлаштирилади.

7-боб. Низоларни ҳал қилиш

12. Мазкур Меморандум қоидаларини талқин қилиш, бажариш ва қўллашда Тарафлар ўртасида вужудга келадиган ҳар қандай келишмовчилик ёки низолар ўзаро маслаҳатлашув ва (ёки) музокаралар йўли билан дўстона равишда ҳамжиҳатлик асосида ҳал қилинади.

13. Тарафларнинг мазкур Меморандумни имзолаши улар учун ҳеч қандай юридик мажбуриятларни юклатмаслиги ва молиявий мажбуриятларни вужудга келтирмаслиги ҳақида келишиб олди.

Бундай мажбуриятлар вужудга келишини таъминлаш учун Тарафлар ўртасида мазкур Меморандумнинг 2-бобига мувофиқ қўшма келишувлар, алоҳида шартномалар, “йўл харита”лари, дастурлар, иш режалари ёки баённомалар тузилиши лозим бўлади.

**8-боб. Меморандумнинг кучга кириши,
амал қилиши ва ўз кучини йўқотиши**

14. Мазкур Меморандум давлат тилида икки нусхада тузилиб, унинг ҳар икки нусхаси имзоланган кундан эътиборан юридик кучга эга бўлади ва 5 (беш) йил муддат мобайнида амал қилади.

15. Тарафларнинг бири мазкур Меморандум муддати тугашидан уч ой олдин унинг амал қилишини тўхтатиш ҳақида ёзма хабарнома бермаса, ушбу Меморандум кейинги 5 (беш) йил муддатга узайтирилган ҳисобланади.

**Ўзбекистон Республикаси
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш
академияси номидан**



Е.В. Коленко

2025 йил “19” июнь

**Ўзбекистон Республикаси
Ҳисоб палатаси номидан**



А.В. Аллаберганов

2025 йил “19” июнь

Томонларнинг юридик манзиллари:

Тошкент шаҳри,
Рихсий кўчаси,
9-уй

Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси,
43-уй